



2015-у.г. «10» декабр

№ 1745-К

Самарқанд туман «Қайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги худудидан фуқаро Хакимова Мавжудага блок ва гишт ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа кўчишлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари ўтрасида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Кишлоққурилишлойиха» бош лойиха кидирув институтининг 2015 йил 18 августдаги № 07-15/46-494 сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 01 июлдаги 1012 сонли хулосаси ва фуқаро Хакимова Мавжуданинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Қайнама» кишлоқ фуқаролар йиғини Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги ер харитасининг 6 контуридан фуқаро Хакимова Мавжудага блок ва гишт ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,30 га (шундан: 0,30 га кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Хакимова Мавжудага блок ва гишт ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат инспекцияси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров